

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**



International
Organization for
Standardization



International
Electrotechnical
Commission



**ХАЛҚАРО АНЖУМАН
«Жаҳонда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан
тартибга солиш ҳолати ва ривожланиш истикболлари»**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«Состояние и тенденции развития стандартизации и
технического регулирования в мире»**



СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

**13-14 Октябрь, 2022
Ташкент, Узбекистан**

Хулоса шуки, Ўзбекистон ўзининг ажойиб табиати, тарихий шаҳарлари, меҳмондўстлиги, миллий таомлари билан дунёга танилмоқда ва сайёҳлар оқимини кўпайишига сабаб бўлмоқда. Сайёҳлар оқимининг кўпайиши Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожига ҳисса қўшади. Туризм даромадли ва юқори рентабелли саноат бўлиб, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда, ташқи савдо балансини оширишда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг стратегик соҳаларидан бирига айлантириш бўйича қилинган ишлар турли рейтинг ва номинацияларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон «The Guardian» нашри томонидан дунёнинг энг яхши сайёҳлик йўналиши, «Wanderlust» наздида энг тез ривожланаётган давлат, «Grand Voyage» ҳисоб-китобида кўра энг яхши ривожланаётган ўлка деб топилди. Ундан ташқари БМТ ҳузуридаги Жаҳон туризм ташкилоти Ўзбекистонни туризм соҳасида шиддат билан ривожланаётган давлатлар рўйхатида 4-ўрин билан баҳолади. Бунинг барчаси Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Республикадаги қонуний-меърий базанинг халқаро талаблар билан уйғунлаштирилаётгани ҳамда халқаро стандартларнинг қабул қилинаётгани билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда туризм соҳасидаги халқаро стандартларнинг қабул қилиниши пировардида мамлакатда амалга оширилаётган фаолиятнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги сифат кўрсаткичини белгилайди.

Адабиётлар

1. О'z DSt ISO 14785:2018 Туризм ахборот бюролари. Туризм ахбороти ва қабул қилиш хизматлари.
2. И.С. Тухлиев, Р. Ҳайитбоев “Туризм асослари” Тошкент.
3. ЎРҚ-549-сон Туризм тўғрисидаги қонун
4. <https://www.lex.uz>
5. <https://www.uzbektourism.uz>
6. <https://www.standart.uz>

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ МУРАККАБЛИГИ ВА УНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Бекмуротов Чори Абдуллаевич

Тошкент давлат техника университети, “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Ниетбаев Акилбек Калбаевич

Тошкент давлат техника университети, “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси магистранти

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари сифат менежменти тизимининг натижавийлиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат менежменти тизимининг мураккаблиги ва уни ечиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сифат менежменти тизими, ишлаб чиқариш, жараёнларни бошқариш.

Аннотация: В статье анализируются эффективность и результативность системы менеджмента качества предприятий пищевой промышленности, сложность системы

менеджмента качества при производстве пищевых продуктов и рекомендации по путям ее решения.

Ключевые слова: *система менеджмента качества, производство, процессный управления.*

Abstract: *The article analyzes the efficiency and effectiveness of the quality management system of food industry enterprises, the complexity of the quality management system in food production and recommendations on how to solve it.*

Keywords: *quality management system, production, process management.*

Ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиш глобал тизимида сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини такомиллаштириш ва етказиш занжиридаги сарф-харажатларни камайтириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва замонавий шарт-шароитларида ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлашда асосан халқаро сифат даражасига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ислоҳатлар олиб бормоқда. Маҳсулот рақобатбардошлиги ва сифатини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда халқаро стандартларни жорий этиш билан сифатни бошқаришга энг самарали тизимли ёндошувдан фойдаланиш асосида амалга оширилиши халқаро тажрибаларда исботланган.

Кейинги йилларда ички ва ташқи бозорларда ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва маҳсулотлар сифатини ошириш масалаларига тааллуқли ҳукумат Қарорлари қабул қилиниши ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳатларнинг яққол мисоли бўлиши билан бир қаторда бунинг долзарблигини таъкидлайди.

Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммолари 1-расмда келтирилган:

1. *Сифат менежменти тизимини яратиш учун мўлжалланган барча лойиҳаларни мувофиқлаштириш муаммоси.* Корхонада жараёнларни бошқариш тизимида энг катта муаммолардан бири – ташкилотда турли хил бўлинмалар ўзининг бошқарув тизимини “турли фаолиятлар”, “ташкилотга турли нуктаи назардан қараш” шаклида ташкиллаштиришга ҳаракатларини кучайтиришни мувофиқлаштириш лозим.

2. *Сифат менежменти тизими учун зарурий жараёнларни аниқлаш билан боғлиқ муаммолар.* Сифат менежменти тизими учун зарурий жараёнларни аниқлашда иккита ҳатоликга: “тўғридан-тўғри жараёнлар” (бизнес-жараёнлар)ни белгилаш ва тавсифлаш; “мажбурий жараёнлар”ни қидириш ва белгилашга дуч келиш мумкин.



1-расм. Корхонада сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар

3. Жараёнларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро алоқадорлигини аниқлаш муаммоси:

- Турли хилдаги жараёнларни ўзаро фаолияти билан боғлиқ муаммолар; Жараёнларни асосий, ёрдамчи ва бошқарув жараёнларига ажратиш асосий жараёнлар бўйича занжирли кетма-кетликни ўрнатишга ёрдам беради.

- Жараёнларни ўзаро фаолиятини акс эттириш билан боғлиқ муаммолар; Муаммо ташкилотни кузатиш билан бошланади, агарда белгиланган жараёнлар “тўғридан-тўғри жараён” тамойили бўйича бўлса, у орқали ўтувчи барча занжирлар муҳим аҳамият касб этади.

4. *Жараёнларнинг натижавийлиги ва самарадорлигини ўлчаш билан боғлиқ муаммолар.* Режалаштириш, жараёнларни бошқариш ва асосини тузиш учун бошқарув ҳисоби тизимини ҳеч бўлмаганда содда кўринишда бўлса ҳам яратиш керак. Тизим жараён натижалари, унинг самарадорлиги ва натижаси бўйича истеъмолчиларнинг қаноатланганлиги кўрсаткичларини ҳисобга олиши лозим.

5. *Корхонада сифат менежменти тизимини жорий этишга ёндошув муаммоси* ва уларни ҳал этиш йўллари 1-жадвалда кўрсатилган [1].

6. *Сифат менежменти тизимининг самарадорлигини камайитиришга таъсир этувчи омиллар.* Сифат менежменти тизимларининг самарадорлигини камайитиришга таъсир этувчи асосий омиллар ва уларнинг миқдорий улуши 2-жадвалда келтирилган.

Корхонада сифат менежменти тизимини жорий этишга ёндашув муаммоси ва уларни ҳал этиш йўллари

1-жадвал

№	СМТ жорий этиш муаммолари	Уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар
1.	Корхона ички муҳиtida ўзгаришларга ижобий муносабатнинг етишмаслиги	СМТ бўйича ўқиш ўтказиш, СМТ ҳужжатлари талабларини тушунтириш, самарали мотивация тизимларини киритиш.
		Семинарлар, йиғилишлар ўтказиш, раҳбарлар ва мутахассисларни мувофиқ курсларга ўқитиш, тренинглар ўтказиш.
		Доимий маълумот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

		Ходимларни қизиқтириш ва мос бўлган мотивациянинг натижавийлиги.
2.	Ресурлар таъминотидаги камчиликлар	Лойиҳа харажатларини асослаш ва режалаштириш бўйича тавсияларни тайёрлаш. Лойиҳани жорий қилиш самарадорлигини комплекс баҳолаш биринчидан “харажат-самара” шкаласи бўйича, иккинчидан корхонани ахборот технологиялари билан бошқариш тизими, автоматлаштириш лойиҳалари ва бошқа лойиҳалардан жорий қилиш вақтида фойдаланиш.
3.	СМТ жорий қилинишига юзаки ёндошиш – унинг фақат “қоғозда” ишлаб чиқилиши	Корхонанинг барча ходимларини СМТ ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилиш, юқори раҳбарият томонидан СМТ ҳужжатлари талабларини бажарилиши ва лойиҳани жорий қилиш жараёнларини назорат қилиш.
4.	Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасида амалдаги менежмент тизими асосида СМТни ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг мураккаблиги	СМТ тамойилларидан ва ягона методологиядан фойдаланиш, корхона учун бенчмаркинг моделларидан фойдаланиш, раҳбариятнинг пешқадамлиги тамойилини асосий жараёнлардан бошлаб қўллаш, топ-менежерлар томонидан қизиқтириш, ходимларнинг хоҳиш ва истакларини юзага чиқариш, амалдаги бошқарув тизимида СМТни қуриш ва жараёнли ёндошувни амалга ошириш.
5.	Процедура ҳужжатлари тавсифининг қийинлиги ва мураккаблиги	Лойиҳани амалга оширишга тизимли ёндошиш, барча қизиқувчи бўлим ва бўлинмаларни жалб қилиш, СМТ ҳужжатлаштириш бўйича жавобгарликларни тақсимлаш ва бўлинмаларaro бизнес-жараёнларни тавсифлаш.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш, ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш тизимига O'zDSt ISO 9001:2015 ва ISO 10012:2003 сифат менежменти тизими стандарти талабларини жорий этиш ва сертификатлашда малакали ходимларни тайёрлаш ҳозирги кун озиқ-овқат маҳсулотлари соҳасида долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади [2].

Барча озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарда O'zDSt ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими (СМТ) халқаро стандарти талабларига мувофиқ бошқарув тизимининг бўлиши талаб этилмоқда.

ISO 9001:2015 стандартини жорий этишда ишни нимадан бошлашни билиш, истеъмолчи талабларини бажаришда бутун эътиборни нуқсонни топишдан кўра унинг олдини олиш ва етказиш занжиридаги сарф-харажатларни камайтиришга қаратиш лозим бўлади.

Сифат менежменти тизимларининг самарадорлигини камайтиришга таъсир этувчи асосий омиллар

2-жадвал

Асосий омиллар	Омилларнинг тавсифи	Қиймати
Корхонанинг ички муҳитида ўзгаришларга ижобий муносабатнинг етишмаслиги	Ходимларнинг корхонада СМТ жорий қилинишининг мақсади ва унинг афзалликларини тушунмаслиги.	42%
	Ходимларнинг иш жойларини ўзгариши ва янгиликларга қўниқиларининг қийин кечиши	
	Лойиҳанинг жорий қилинишида бошқарув томонидан қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги.	
	Кам миқдорда юқори менежерларнинг қатнашиши.	

Малакали ва тажрибали ходимларнинг етишмаслиги	Процедура хужжатларини тавсифлашнинг қийин кечиши ва мураккаблиги.	18%
	Малакали мутахассис ходимларнинг етишмаслиги.	
	Бошқарувнинг жараёни моделини ривожланиш даражасини аниқлашда ўз-ўзини баҳолаш механизмини шакллантириш тажрибасининг мавжуд эмаслиги.	
	СМТ жорий қилишда корхона учун қулай усул ва воситаларни танлаш.	
Ресурслар таъминотининг етишмаслиги	Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги.	15%
	Ходимларнинг етишмаслиги.	
Ходимларнинг кундалик (ишда) бандлиги.		13%
Бошқа омиллар.		12 %

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш корхоналари келгусида истеъмолчилардан янги ва кўпроқ буюртмаларни олишни истагини билдиришса, юқорида саналган босқичлар асосида стандартни жорий этиши ва сертификатлаштириши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zDSt ISO 9001:2015 Сифат менежменти тизими. Талаблар.
2. ISO 10012:2003 Measurement management systems. Requirements for measurement processes and measuring equipment.
3. Бекмуротов Ч.А., Тураев Ш.А. Ўлчаш воситасини реал қўллаш шароитида метрологик ҳолатини автоматик бошқариш ва назорат қилиш ЭХМ учун яратилган дастурга гувоҳнома DGU 07869, 13.01.2020 й.
4. O'zDSt 8.002:2002 ГСИ РУз. Метрологический контроль и надзор. Основные положения.

КОРХОНАЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ISO 37001 СТАНДАРТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Султонова Юлдуз Аббаровна

Тошкет давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификалаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Умарова Нодира Самуговна

Тошкет давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификалаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Хайруллаева Дилдора Сайдуллаевна

Тошкет давлат техника университети “Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификалаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада коррупцияга қарши курашда халқаро ISO 37001 стандартининг ўрни ва аҳамияти ҳамда ушбу стандартнинг жорий этилишидаги авфзалликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: коррупция, ISO 37001:2016 халқаро стандарти, коррупцияга қарши курашиш, стандарт, порахўрлик, қонун устуворлиги, интизомий жавобгарлик.

ОГЛАВЛЕНИЕ

Приветственное слово. Турабджанов С.М.	3
Приветственное слово. Юсупбеков Н.Р.	4

РОЛЬ СТАНДАРТИЗАЦИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПРОДУКЦИИ

Тавгень И.А., Борис В.Ц. Проблемы стандартизации процесса дистанционного повышения квалификации	5
Борис В.Ц., Владимир Л.С. Стандартизация понятий в современной метрологической практике	9
Исматуллаев П.Р., Асамутдинова С.Х., Зиёдуллаев А.У., Государственный надзор за соблюдением требований стандартов	14
Исматуллаев П.Р., Мўминов Х.Д., Стандартлаштириш тизимининг хронологик ривожланиши	19
Муминов Н.Ш., Хамидов Ж.А. Проблемы разработки и внедрения нормативных документов по стандартизации в строительстве	23
Кулуев Р.Р., Дониёрова К.Б. Анализ основных принципов современного менеджмента качества	28
Бекимбетов М.Н., Сатторбергенова Г.К., Баниязов Ш.К. Теоретические основы управления качеством услуг	33
Пулатова Д.Г. Основные характеристики ячеистых бетонов	37
Абдусаломова Н.С., Усманова Х.А. Озиқ-овқат саноатида сифат менежменти тизимини шакллантиришнинг асосий стандартлари	39
Каратаева С.Б. Аттестация рабочих мест	43
Shertaylaqov G‘.M., O‘ngarov J.Y., Maxammatov Sh.Sh. Xalqaro standart talablari asosida kattaliklar jarayonining bajarilishi	45
Султонова Ю.А. Хайруллаева Д.С., Мухаммад Аминов А.Д., Халқаро ва миллий стандартлар иктисодиётнинг туризм тамоғини ривожланишидаги ўрни	48
Бекмуротов Ч.А., Ниетбаев А.К. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат менежменти тизимининг мураккаблиги ва уни ечиш йўллари	51
Султонова Ю.А., Умарова Н.С., Хайруллаева Д.С., Корхоналарда коррупцияга қарши курашда халқаро ISO 37001 стандартининг ўрни ва аҳамияти	55
Турдалиева М.М., Обидов Ж.Ғ., Топволдиев А.А., Создание научно – методологических основ разработки технологической инструкции на производство полуфабрикатов из индейки	58
Фаттоев Ф.Ф., Мирпайзиева Г.М., Жуманазарова С.Ш., Организация и анализ системы контроля качества в СМК предприятий пищевой промышленности	61
Rakhmanova N.R., Mo‘minov N.Sh., Energy in international standards	64
Назарбаева Б.А. Роль стандартизации в интеллектуальной электроэнергетической системе	66
Жабборов Х.Ш., Мустафайев О.Ш. Дон ва дон маҳсулотлари намлигини ўлчаш усулини танлаш ва уни асослаш	72
Сатторов Д.Н., Матякубова П.М., Стандартлаштириш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш	76